

SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL OF
«SCIENTIFIC PROGRESS»

ISSN: 2181-1601

The 21st Century Skills for Professional Activity



Proceedings of the 2nd International
Scientific-Practical Distance
Conference

2021, FEBRUARY 15



www.scientificprogress.uz

UZBEKISTAN

SCIENTIFIC-METHODOLOGICAL JOURNAL OF
«SCIENTIFIC PROGRESS»
ISSN: 2181-1601

THE 21st CENTURY SKILLS FOR PROFESSIONAL ACTIVITY

PROCEEDINGS OF THE 2nd INTERNATIONAL
SCIENTIFIC-PRACTICAL DISTANCE CONFERENCE



www.scientificprogress.uz

TASHKENT, UZBEKISTAN
2021, FEBRUARY 15

КОСМОНАВТИКА ВА АВИАЦИЯНИ ЎЗБЕКИСТОНДА РИВОЖЛАНТИРИШДА ТЕХНИК ТЎГАРАКЛАРНИНГ РОЛИ

Жамилов Лазизбек Азиз ўғли
Олтибоев Жафарбек Воҳиджон ўғли
Бухоро давлат университети талабалари

Аннотация: Ракета – бу ҳаводан оғир учиш аппарати бўлиб, унинг учуши реактив принцинга асосланган. Биринчи ракеталар порох ихтиро қилингандан кейин кўп ўтмай Хитойда пайдо бўлди. Улар мушакбозлик учун хизмат қилар эди. Анчадан кейин ракеталарни ҳарбий мақсадда ҳам қўллаш бошладилар.

Калит сўзлар: космонавтика, авиация, техник тўғарак, техник ижод, мусобақа, авиаконструктор, моделизм, учувчи.

Европада биринчи учадиган “олов” ракета 1250 – йилда пайдо бўлган. У вақтда ракетанинг учуш сабаблари илмий жиҳатдан тушунтириб берилмаган. Фақат 1687 – йилда Исак Нютон механиканинг учинчи қонунини таърифлаб берганидан кейин реактив ҳаракат принципи тушунарли бўлди.

Ватанимизда техникага қизиқувчи иқтидорли ёшлар жуда кўп.

Ўқувчиларни меҳнат қилишга таёрлаш ва касбга йўналтиришни яхшилаш, уларнинг ижодий қобилиятларини намоён қилишда мактабдан ташқари ташкил этиладиган техник тўғаракларнинг роли жуда катта.

Болалар техник ижодиётининг самарали шакли – мактаб, ёшлар саройи ва спорт клубларида техника клубларида шуғулланишидир.

Мамлакатимизда мактаб ўқувчиларининг техник ижодиётига жорий йилларда жуда катта аҳамият берилмоқда. Бу ҳозирги техника даврида айниқса муҳимдир. Техник ижодиёт билан шуғулланиш ўқувчиларда фан ва техникага, тадқиқотларга қизиқишини ўстиради, бўлажак касбини онгли равишда танлашида ёрдам беради, ўқиш процесига бевосита ҳамда билвосита таъсир қилади, материалларни чуқур ўзлаштиришда ёрдам беради.

Космонавт ёки учувчи бўламан деб турли самолёт, вертолёт, ракета моделларини ясаган ёшлар жуда кўп. Авиамоделизм, ракетамоделизм спорт турига кизиқиши ҳам, тадқиқотчилик изланиши ҳам ва катта авиация, космонавтика йўли ҳамдир.

Авиамоделизм, ракетамоделизм билан шуғулланганда ўқувчилар керакли меҳнат кўникмаларига эга бўладилар, уларнинг космонавтика, авиация ҳақидаги орзуси кўпинча кизиқишга айланади, кизиқиш эса касб танлашни белгилайди.

Машҳур авиаконструкторлар А.Н.Туполев, А.С.Яковлев, О.К.Антонов, космонавт – учувчи Ю.А.Гагарин ҳам авиация – ракетамодел тўғарагида шуғулланиб илк билимларини олишган.

Ракетамоделизм билан шуғулланиш ватанпарварликни тарбиялайди, мақсадга эришишда ирода кучини, қайтишлик ва саботликни ривожлантиради.

Моделларни куришда ўқувчилар ҳар – хил фанларга эмас, балки уларнинг ўзаро мустаҳкам алоқасига дуч келади. Моделизм билан шуғулланган ёшлардан ҳеч бўлмаса биринчи даражада мураккабликдаги техникани ҳис қилиб қурган кишини барчамиз кадрлаймиз. Улардан космонавт – учувчилар чиқишига ишонамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Рашкоф Бетсе “спорт ракетамоделлари”.
2. Василев А.Ж. “Уچار моделлар ва авиация”.
3. Жумаев К.Т. “Авиамоделчилик тўғараги ҳақида методик қўлланма”.